

Фарзанд тарбияси (12-дарс)



10:27 / 13.12.2017 4319

Дарс Қуръони каримдан, ҳадиси шарифдан, зикрлар ва дуолардан ёд олинганларини текшириб чиқиш ила бошланди. Сўнгра ота: «Ҳозиргача Аллоҳнинг гўзал исмларидан қанча ёд олдинглар?» деди.

Фотима: «Отажон, ҳозиргача сиз билан қирқдан ошиқ исмларини ёд олганимизни текшириб чиқдим», деди.

Ота: «Яхши, тўқсон тўққизта исмни ёд олишингизни ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг башоратларига эришингизни хоҳлайман», деди.

Маҳмуд: «Сизга Аллоҳ яхшилиқни башорат қилсин, отажон, бу башорат қандай башорат?» деди.

Ота деди: «Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадикки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“АЛЛОҲНИНГ ТЎҚСОН ТЎҚҚИЗТА ИСМАРИ БОР, КИМ УЛАРНИ ЁД ОЛИБ, ЎЗИГА СИНГДИРСА, ЖАННАТГА КИРАДИ”, дедилар.

(Имом Бухорий ва Муслимривоятлари.)

Кимки бу исмларни ёд олса, маъноларига эътиқод қилиб, уларга амал қилса, Аллоҳ уни жаннатга киритади».

Маҳмуд: «Иншааллоҳ, ушбу гўзал исмларни ёдлаб оламан ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг башоратларига эришаман. Барча айбу нуқсонлардан пок ва улуғ бўлган Зотнинг қайси исмларини бугун ёд оламиз?» деди.

Ота: «Аллоҳнинг гўзал исмларидан **Ъалий** (олий ва тенги йўқ), **Кабийр** (ҳар бир нарсадан катта, ўта буюк), **Ҳафийз** (ҳар нарсани, ҳар кимни комил суратда муҳофаза қилувчи), **Ғоний** (беҳожат, ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган Зот) бордир», деди.

Шу вақт Фотима акса урди, акса урган вақтда дастрўмолчаси ила оғзини ёпди, сўнгра: «**Алҳамдулиллаҳ (Аллоҳга мақтов)**», деди. Қолганлар: «**Ярҳамукаллоҳ**» (аёл кишига «**Ярҳамукиллаҳ**») – («Аллоҳ сенга раҳм қилсин»), дедилар.

Фотима уларга қаради ва ҳамма ундан жавоб кутаётганини кўрди, шунда отасига қараб: «Нима деб жавоб қайтиришим керак, отажон?» деди.

Ота деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга мусулмон акса урганда «**Алҳамдулиллаҳ**» дейишни, буни эшитганлар унинг ҳаққига дуо қилиб «**Ярҳамукаллоҳ**» (аёл кишига «**Ярҳамукиллаҳ**») дейишни, акса урган жавобига «**Яҳдийкумуллоҳу ва юслиҳ балакум**» (яъни, «АЛЛОҲ сизларни ҳидоят қилсин ва аҳволларингизни яхшиласин») дейишни ўргатганлар.

Суюклиларим, бугунги дарсимизни тонгги ва кечки зикрлардан бўлган бир зикр ила тугатамиз:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، مُحَمَّدٌ عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، أَلْهَمْنَا اللَّهُ، اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ وَبَارِكْ وَسَلِّمْ

«Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай'ин қодийр».

(Маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, Якка-ю ягонадир. Унинг шериги йўқдир. Мулк Униқидир, ҳамд Унгадир ва У ҳар бир нарсага қодирдир».)

(Абу Довуд ривояти.)

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларки: «Кимки буни тонг отганда айтса, худди қул озод қилгандек бўлади, унга ўнта яхшилик ёзилади ва ўнта ёмонлиги ўчирилади, жаннатда ўн даража юксалтирилади ва кеч киргунча шайтондан Аллоҳнинг паноҳида бўлади. Агар буни кеч

кирганда айтса, то тонг отгунча шундай бўлади».

Энди дарсимиз ҳам тугади, фарзандларим».